
ФАРҒОНАДАН-СИРДАРЁГА!

Сирдарёда рўй берган воқеадан фарғоналиклар ҳам изтироб чекдилар. Биз, Ўзбекистон халқи биргамиз ва ҳар қандай қийинчиликни биргалашиб енгамиз, дейишмоқда улар. Фарғона вилояти ҳокимлиги сув тошқини рўй берган биринчи кундаёқ энг зарур озиқ-овқат, кўрпа-тўшак юборган эди. Бугун эрталаб эса ҳокимлик ташаббуси билан 250 тонна цемент 4800 дона шифер, 120000 пишган ғишт 3000 кв метр қурилиш ойнаси ва 400 кубометр ювилган қум ортилган 47 та оғир юк машинаси, ўнлаб қурилиш ва ирригация воситалари, трактор ҳамда механизмлар Сирдарё томон йўл олди.

- Сирдарёлик ҳамюртларимиз хотиржам бўлсинлар, уларнинг уй-жойлари қуриб битказилгунча Фарғона вилояти ёрдамни тўхтатмайди, -дейди вилоят ҳокими ўринбосари Дилшод Хожааҳмедов.

Шу бугун куннинг иккинчи ярмида озиқ-овқат маҳсулотлари ортилган яна 30 та катта юк машиналари Сирдарёга, воқеа жойига юборилади.

Фарғона вилояти ҳокимлиги Ахборот хизматиFacebook, Telegram, Веб сайт, YouTube

2020-05-04 09:38:18